ўзССР Давлат китоб палатаси
190094

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 12 май, пайшанба № 85 (21.689). Сотувда эркин нархда.

## ЭЪТИРОФ

To President Karimov — with best wishes
Bill Clinton

Америка Президенти Билл Клинтоннинг Президентимизга йўллаган бир неча телеграммасини ўқигансиз, албатта. Энди мана бу дастхат битилган сурат: «Президент Каримовга — энг эзгу тилаклар ила, **Билл КЛИНТОН**».

Бу нимани англатади?

Бу — мустақил Ўзбекистонимизнинг дадил, жасурона одимлар билан тарихан қисқа вақт ичида жаҳон майдонига чиққанининг далолати эмасми? Президентимизнинг қатъият билан юритаётган ўзига хос ички ва ташқи сиёсати тез орада жаҳондаги барча давлат арбобларининг ҳам, ишбилармонларнинг ҳам эътиборини тортганига яна бир мисол эмасми?

Америка Қўшма Штатлари ўз қудратини яхши ҳис қилади, бинобарин, бошқа ҳар қандай давлатга шу нуқтаи назардан муносабатда бўлади. Демак, АҚШ Президентининг Ўзбекистон Президентига бу муносабати — республикамизнинг қудрати эътироф этилганидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ОЛИЙ НИШОН—«ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони белгилансин ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Олтин Юлдуз» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

2. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Унвон бериш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат топширилади.

5. «Олтин Юлдуз» медалини тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади.

6. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақига ёки пенсияга қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ой сайин тўланадиган устама мукофот оладилар.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ва бошқа транспорт турларининг буюртма рейсларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эгадирлар.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа имтиёзлардан ҳам фойдаланадилар.

7. «Олтин Юлдуз» медали кўкракнинг чап томонига орден ва медаллардан юқорироққа тақилади.

8. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини такроран бериш мумкин эмас.

9. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони вафотидан кейин берилган тақдирда «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат мукофотланганнинг оиласига топширилади.



## «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ

«Олтин Юлдуз» медали 585 даражали (пробали) олтин қотишмасидан тайёрланади ва олд томонида ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлади. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 32 миллиметр. Медаль марказидаги диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган доира ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган. Ярим ой жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 6 миллиметр, беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри эса 3 миллиметрдир.

Медалнинг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Гербнинг пастидаги нурга медалнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медаль ёнлари ўйиқ тўғри тўрт бурчак шаклида ишланган, ўлчами 16x25 миллиметрли мис қадағич (колодка)га илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Қадағичнинг қисмлари ва ҳалқа 1 микрон қалинликдаги тилла билан қопланган.

Қадағичнинг ички қисми республика Давлат байроғининг рангидаги йўл-йўл зардўзи мато (лента) билан қопланган. Матонинг катталиги 11x20 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонида тақма тўғнағич бор.

Медаль оғирлиги 12,5 грамм.

## Тошкент вилояти Бўка тумани меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!

Сизларни Бўка тумани ташкил этилганининг 50 йиллиги билан самимий табриклайман.

Ярим аср муқаддам асос солинган туман бугун сизларнинг меҳнатингиз, ижодкорлигингиз ва фидойилигингиз туфайли саноати, қишлоқ хўжалиги ҳар томонлама ривожланаётган масканлардан бирига айланди. Эндиликда бу ерда турли миллат вакиллари ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида елкама-елка меҳнат қилиб, инсон учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни яратмоқдалар.

Бугун нишонланаётган тантанангиз республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган бунёдкор халқимизнинг ушалаётган орзу-умидлари билан уйғунлашиб ўтмоқда. Ушбу қутлуғ сана фарзандларимиз иқболи ва Ватанимиз равнақи учун қилган хайрли ишларингиз самараси нақадар бебаҳолигини ва уни авайлаб асраш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, бундан кейин ҳам сизлар мамлакатимизнинг иқтисодий-маънавий тараққиётига, унинг буюк давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашига муносиб улуш қўшасизлар.

Сизларга, қадрли биродарлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, хонадонингизга осойишталик, бахту иқбол ва омад ҳамиша ёр бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Кўп йиллик самарали меҳнатлари, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга шахсий ҳисса қўшганликлари ва жамоат турмушида фаол қатнашаётганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»**

**Баҳромов** Мурод Баҳромович — учиш мажмуининг А-310 ҳаво кемаси командири, Тошкент шаҳри.

**Баҳриев** Сайфиддин Ғиёсович — Самарқанд аэропорти директори, Самарқанд шаҳри

**Сулеймонов** Шавкат Ҳабибулович — учиш мажмуи биринчи учиш гуруҳининг ИЛ-62 самолёти йўриқчи-учувчиси, Тошкент шаҳри

**Таженов** Байрон Урузбаевич — Нукус аэропортининг етакчи муҳандис-инспектори, Нукус шаҳри

**ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Авлиёқулов** Рустам Йўлдошевич —243-завод электр механиги, Тошкент шаҳри

**Андросов** Анатолий Васильевич — учиш мажмуи бешинчи учиш гуруҳи МИ-8 вертолёти авиация звеносининг командири, Тошкент шаҳри

**Анисимов** Вячеслав Александрович — «Сиғали» аэропорти махсус транспорт хизматининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Бобоев** Шарипбой Зиёвиддинович — 243-заводнинг учар аппаратлар йиғувчи чилангари, Тошкент шаҳри

**Елизаров** Евгений Петрович — ҳаво кемаси командири, 243-заводнинг 1-даражали етакчи синовчи-учувчиси, Тошкент шаҳри

**Зокин** Алексей Петрович — авиация-техника мажмуи Тошкент авиация-техника базасининг авиатехниги, Тошкент шаҳри

**Эргашев** Адҳам Содиқович — «Ўзаэронавигация» маркази Қўқон ҳудудий бўлимининг парвозлар раҳбари, Фарғона вилояти

**Каюмов** Қобилжон Одилович — Сиғали авиация-техника базасининг авиатехниги, Тошкент шаҳри

**Машарипов** Қуромбой — «Ўрганч» аэропортининг парвозларни ёритқич техника ва электр техника билан таъминлаш муҳандиси, Хоразм вилояти

**Соатов** Розиқ — таъмирлаш-қурилиш бошқармаси директори, Тошкент шаҳри

**Сидиқов** Султонмурод Ҳошимович — авиация-техника мажмуи Тошкент авиация-техника базасининг смена бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Цой** Валерий Николаевич — учиш мажмуининг А-310 ҳаво кемаси командири, Тошкент шаҳри

**Йўлдошев** Анвар Набиевич — «Тошкент» аэропорти йўловчи ташиш хизматининг смена бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Якубов** Зяки Фатехович— учиш мажмуи биринчи учиш гуруҳининг учиш-услубий ишлар бўйича муҳандиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 11 май.

## МАФКУРА—ВАТАН БОЙЛИГИ

**Самарқанд кооператив институтида ўтказилган илмий-амалий анжуман қатнашчилари ана шундай хулосага келдилар. Бу бойликни яратиш, асраб-авайлаш, дунёга таниттиш зиёлиларнинг долзарб вазифаларидандир, дейишди улар.**

Институт ректори, Ўзбекистон халқ депутати Э. Ҳўжаев анжуманни кириш сўзи билан очди. Проректор Б. Тўхлиев, профессорлар Б. Шермуҳамедов, Ў. Рашидов, Д. Қутбиев, доцент Б. Абдукаримов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Й. Суюнов, озиқ-овқат техникуми директори Ш. Ғиёсов Миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этишнинг йўллари ҳақида мулоҳаза юритдилар.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ОЛИЙ НИШОН—«ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Олтин Юлдуз» медали ҳамда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлигига оид тегишли ҳужжат тайёрланишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА, ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1985 йил, № 35, 411-модда):

1) 170-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ёнилғи-мойлаш материаллари билан қўлда савдо қилиш,— сотилаётган буюмларни мусодара қилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаридан етти баробаригача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади».

Белгилаб қўйилсинки, 170-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги протоколлар давлат солиқ органларининг, «Ўзнефтгазназорати» ва ички ишлар (милиция) органларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилади;

2) 174-модданинг жазо белгиловчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробаридан беш баробаригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади»;

3) кодекс қуйидаги мазмундаги 174-2-модда билан тўлдирилсин:

**«174—2-модда.** Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, бериш ва ҳисобга олиш қоидаларини бузиш

Нефть маҳсулотлари базаларида, омборларида ва автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, бериш ва ҳисобга олишнинг белгиланган қоидаларини бузиш, — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаридан етти баробаригача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хатти-ҳаракатлар маъмурий жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етти баробаридан ўн баробаригача миқдорда штраф солишга сабаб бўлади».

Белгилаб қўйилсинки, 174—2-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги протоколлар «Ўздавнефтьмаҳсулот» тизими ва давлат солиқ органларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилади;

4) 232-модда «170» рақамидан кейин «174—2» рақами билан тўлдирилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, № 6, 2-модда):

1) 180—2-моддада:

Биринчи қисмнинг жазо белгиловчи қисмидаги «Юз сўмдан икки юз сўмгача» деган сўзлар «Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи қисмнинг жазо белгиловчи қисмидаги «Юз сўмдан уч юз сўмгача» деган сўзлар «Энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баробаридан йигирма баробаригача миқдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) Кодекс қуйидаги мазмундаги 180—3-модда билан тўлдирилсин:

**«180—3-модда.** Ёнилғи-мойлаш материаллари билан қўлда савдо қилиш

Ёнилғи-мойлаш материаллари билан қўлда савдо қилиш, башарти бу ҳаракатлар шундай вожиб ҳаракати учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан жазо берилганидан кейин бир йил мобайнида такрор содир этилса,—

сотилаётган буюмларни мусодара қилиб, бир йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш иши билан ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда штраф солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар шундай жиноят қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан содир этилса, —

сотилаётган буюмларни мусодара қилиб, икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга аҳлоқ тузатиш иши билан ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баробаридан йигирма баробаригача миқдорда штраф солиш билан жазоланади».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1959 йил 21 майдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1959 йил, № 6, 3-модда) 108-моддасининг биринчи қисми «180—2» рақамидан кейин «180—3» рақами билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

**Урганчда шифокорларнинг «Эхинококкоз жарроҳлиги» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.**

Унда Англия, Франция, Италия, Россия синфари қатор давлатларнинг кўзга кўринган шифокорлари, олимлари, тиббиёт маркази вакиллари иштирок этишди. Анжуманни Хоразм вилояти ҳокими Маркс Жуманиёзов табрик сўзи билан очди.

Йиғилиш аҳли дастлаб Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримовнинг эхинококкоз касалликларини даволаш муаммолари, бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар, қилиниши лозим бўлган тадбирлар борасидаги маърузасини тингладилар. Бу хасталикни даволаш устида изланишлар олиб бораётган республикамиз ҳамда хорижий давлатларнинг етук олимлари ҳам маъруза қилдилар. Анжуманнинг иккинчи кунида олимлар давра столи атрофида кўтарилган муаммолар юзасидан кенг фикр алмашдилар.

— Халқаро анжуман Хоразмда ўтказилишининг ўзига хос рамзий маъноси бор, — деди биз билан суҳбатда республика соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов. — Бир пайтлари кўҳна Хоразм илм ва маърифат ўчоғи бўлган. Дунё тарихида биринчи академия Маъмун академияси ҳам шу муқаддас тупроқда ташкил қилинган.

Анжуман қатнашчилари уни ташкил этишда ҳомийлик қилган Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Англиянинг Клаксо фармацевтика фирмасининг ушбу тадбирнинг юксак савияда ўтишидаги ташкилотчилик ишларига катта баҳо бериб, уларга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Мустақиллик» ордени таъсис этилсин.

2. «Мустақиллик» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Мустақиллик» ордени нинг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

## «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Мустақиллик» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар.

«Мустақиллик» ордени билан айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Мустақиллик» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Мустақиллик» ордени ни ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади.

5. «Мустақиллик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг эллик карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Мустақиллик» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Мустақиллик» ордени кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

7. «Мустақиллик» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

## «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

«Мустақиллик» ордени 585 даражали (пробали) олтин қотишмасидан тайёрланади ва икки ёнбағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлади. Юлдузнинг бурчаклари орасида тарам бўлиб тарқалаётган нурлар жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 48 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри 44 миллиметр.

Орденнинг марказида мустақиллик рамзи бўлмиш кумуш рангдаги Ҳумо қуши тасвирланган. Ҳумо қуши ортидаги, рангли эмалдан ишланган манзара Ўзбекистон гўзаллиги ва бойлигининг рамзий ифодасидир.

Ҳумо қушини ўраб турган айлананинг юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзи — ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 9 миллиметр, ярим ой ҳамда беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметрлари тегишлича 5 ва 3 миллиметрдир. Айлананинг тепа қисмида ўн иккита инсоний фазилат рамзи бўлган, диаметри 2 миллиметрли ўн иккита ёқут тош бор. Айлананинг диаметри 31 миллиметр, эни эса 5 миллиметрдир.

Айлананинг пастки қисмида «MUSTAQILLIK» деган ёзув бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони силлиқ бўлиб, марказида орденни тақиш учун ўйма штифт ва бураб киргизиладиган мурват бор.

Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги 3 миллиметр.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Мустақиллик» ордени таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Мустақиллик» ордени ҳамда орден билан мукофотланганлигига оид тегишли ҳужжат тайёрланишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Дўстлик» ордени таъсис этилсин.

2. «Дўстлик» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Дўстлик» ордени нинг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш йўлида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантирганликлари учун мукофотланадилар.

«Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Дўстлик» ордени ни ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади.

5. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Дўстлик» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Дўстлик» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.



## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИНГ ТАВСИФИ

«Дўстлик» ордени 585 даражали (пробали) олтин қотишмасидан, эмалдан фойдаланган ҳолда тайёрланади ва бироз бўртма, мовий эмаль билан қопланган саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг бурчаклари орасидан ёйма нурлар таралиб туради.

Саккиз қиррали юлдузнинг ва тилларанг нурларнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметрдир.

Орденнинг марказида, диаметри 14 миллиметрли доира ичида қўл-қўлга бериб турилгани дўстлик рамзи сифатида тасвирланган. Бу доира мовий фондаги ўн иккита беш қиррали юлдузлар жо бўлган, кенглиги 5 миллиметрли биринчи айлана билан ҳамда юқори қисмига «DOSTLIK» деган ёзув, пастки қисмига эса дафна барглари туширилган, кенглиги 5 миллиметрли иккинчи айлана билан ҳошияланган.

Орденнинг қалинлиги 2,5 миллиметр.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орден рангли йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни 24 миллиметр. Қизил, тўқсариқ, яшил, кўк йўлларининг эни 5 миллиметрдан. Рангдор йўллар бир-биридан эни 1,3 миллиметрли оқ йўл билан ажралиб туради.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 45 миллиметрдир.

Орден тўғнағич билан тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Дўстлик» ордени таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Дўстлик» ордени ҳамда орден билан мукофотланганлигига оид тегишли ҳужжат тайёрланишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Жасорат» медали таъсис этилсин.

2. «Жасорат» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Жасорат» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. Жасорат» медали билан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг ва ички ишлар органларининг ходимлари республиканинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчни ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун мукофотланадилар.

«Жасорат» медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкини сақлаб қолишда кўрсатган жасоратлари учун мукофотланишлари мумкин.

2. «Жасорат» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Жасорат» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Жасорат» медалини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига биноан бошқа шахслар топширади.

5. «Жасорат» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Жасорат» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Жасорат» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Жасорат» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ

«Жасорат» медали 1 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг олд томонида қуёш ва таралаётган нурлар фонида шон-шуҳрат ва мардлик рамзини ифодаловчи қалқон ва қилич тутган отлиқ жангчи тасвирланган.

Медалнинг қуйи қисмида оқ эмаль фонида қабариқ ҳарфларда «JASORAT» деган ёзув берилган. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр. Медалнинг четлари икки томонидан ҳам қабариқ доира билан ўралган.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастда медалнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медалнинг қалинлиги 2,5 миллиметр.

Медаль уч рангли йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни 24 миллиметр. Матонинг ўртасидан эни 4 миллиметрли яшил ранг йўл ўтган. Унинг икки ёнидан эни 1 миллиметрли оқ йўл жой олган. Оқ йўлларнинг ёнидан эни 2 миллиметрли яшил ранг йўллар ва эни 5 миллиметрли қизил йўллар ўтади. Матонинг чеккаларидан эни 2 миллиметрли яшил ранг йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни эса 45 миллиметр.

Медаль тўғнағич билан тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Жасорат» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Жасорат» медали ҳамда медаль билан мукофотланганлигига оид тегишли ҳужжат тайёрланишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Шуҳрат» медали таъсис этилсин.

2. «Шуҳрат» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. «Шуҳрат» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Шуҳрат» медали билан республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланадилар.

2. «Шуҳрат» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Шуҳрат» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Шуҳрат» медалини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига биноан бошқа шахслар топширади.

5. «Шуҳрат» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Шуҳрат» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Шуҳрат» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Шуҳрат» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.



## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ

«Шуҳрат» медали 1 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва қисман турли рангдаги эмаль берилган бўлади.

Медаль диаметри 34 миллиметрли доира шаклида.

Медалнинг олд томонида кўтарилиб келаётган қуёш нурлари ичида Ўзбекистон иқтисодий қудратининг рамзи бўлган манзара бўртма йўсинда тасвирланган.

Медалнинг қуйи қисмида оқ эмаль фонида қабариқ ҳарфларда «SUHRAT» деган ёзув берилади. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр. Медалнинг четлари икки томондан бўртма доира билан ҳошияланган.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида медалнинг рақами 1 миллиметр катталикдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медалнинг қалинлиги 2,5 миллиметр.

Медаль республика Давлат байроғи рангларидаги йўл-йўл шойи мато сирилган беш бурчакли қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни 24 миллиметр. Кўк, оқ ва яшил йўлларининг эни 7 миллиметрдан, қизил йўлларининг эни 1,5 миллиметр.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 45 миллиметр.

Медаль тўғнағич билан тақилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Шуҳрат» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шуҳрат» медали ҳамда медаль билан мукофотланганлигига оид тегишли ҳужжат тайёрланишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май.

# УЙИМ—ЧИРОҒИМ МЕНИНГ

**Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашининг мажлислар залида ёлғиз, қаровчисини йўқотган болалар учун уй хизматини ташкил этиш масаласига бағишланган «Менинг уйим — чироғим менинг» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди.**

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси Д. Дадажонова қисқача кириш сўзи билан очди. Республика болалар жамғармаси раиси И. Юсупова жамғарманинг ҳозирги кунда олиб бораётган ибратли ишлари хусусида тўхталди.

Шундан сўнг ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Фаёзов болалар тарбиясида Халқ демократик партиясининг вазифалари ҳақида гапирди. Шуни қайд этиш керакки, вилоят партия кенгаши билан болалар жамғармасининг алоқаси мустаҳкам. Бу икки ташкилот Наврўз ва бошқа айёмларда биргаликда тадбирлар ўтказаётир. Болалар жамғармаси вилоят бўлими раиси Н. Рязаньцев қаровсиз қолган болалар учун уй хизмати бўлимлари ташкил этилаётганлиги ҳамда бунинг тарбиядаги афзалликлари тўғрисида тўхталди.

Йиғилганлар Наманган Давлат университети кафедра мудири, педагогика фанлари доктори профессор А. Миноваровнинг етим болалар уй хизматида педагогик концепция асослари ҳақидаги маърузасини қизиқиш билан тингладилар.

Республика болалар жамғармаси раиси И. Юсупова анжуман якунида Наманган шаҳрининг Самарқанд кўчасида истиқомат қилувчи, фарзанди вафотидан сўнг набираларини тарбиялаётган Абдуғаффор ота Қодировга ҳамда А. Навоий номли маҳаллада яшаётган, отаонасидан айрилган тўрт нафар норасидалар учун маҳалла қўмитаси раиси М. Тожибоевга жамғарма совғаси — гилам топширди.

**Раҳимжон ИРИСОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## • ХДП ҳаётидан

# СОЛИ БОБОНИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

**Самарқанд шаҳар партия кенгашида бўлган бу галги йиғин фақат авлодлар учрашувигина эмас, балки дилларнинг, йўлларнинг чинакам туташувига айланди. Айниқса, пайғамбар ёшига кирган Соли бобо Улуғовнинг сўзлари қалбларни тўлқинлантириб юборди.**

— Азиз биродарларим, қадрли фарзандларим, мен ёшим бир ерга бориб қолганда бу партияга бекорга ўтаётганим йўқ. Тенгдошларимга, бошқаларга ибрат кўрсатмоқчиман. Кўплаб қариялар ХДП сиёсатини маъқулламоқда, унга хайрихоҳлик билдирмоқда. Ана шу кўнгил майлини расмийлаштирмоқдаман, холос.

Биз эл-юрт, Ватан учун хизмат қилдик. Оғир, изтиробли кунларда ҳам иймонимизни йўқотмадик. Сизлар ҳам шундай бўлинглар...

Соли бобонинг қалби тўлиб кетди, кўзларига ёш қалқиди. Даврадагилар бу — эътиқод, умид ва ишонч ифодаси эканлигини дилдан ҳис қилдилар. Шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Раҳимжон Юсупов яна бир қария — «Қаландархона» маҳалла қўмитаси аъзоси Раҳмонқул Исмоиловга ҳам партия билети топширди.

Шундан сўнг хона бўйлаб бир гуруҳ ёшлар саф тортишди. Уларга шаҳарнинг таниқли кишилари, хусусан, вилоят ҳокимлиги масъул ходими, профессор Ғ. Икромов, «Каттақўрғон» маҳалласи оқсоқоли Ғ. Носиров, вагон депоси бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Ю. Овчинников, трикотаж фабрикаси мастери С. Холмуҳамедова, Боғишамол тумани фахрийлар кенгаши раиси А. Вафоев, дорилфунун профессори М. Ўролов ва бошқалар қалб сўзларини изҳор этиб, партия билетлари топширдилар.

Ёшлар эса ҳурмат-эътибордан, кексаларнинг ҳароратли сўзларидан сармаст.

— Очиғи, шундай табаррук кишиларнинг қўлидан партия билетини олиш биз учун катта шараф, — дейди Нилуфар Тошназарова. — Ахир бундай фидойи инсонларнинг изидан бормасдан бўладими?!

Кейин қизғин суҳбат бўлди. Ҳамма кўнгилда борини айтди. Муҳими, партиямиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлар сафи ортди.

**Фармон ТОШЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# МАЪНАВИЙ МУЛК

**Тошкентнинг «Билимлар уйи»да бир гуруҳ олимлар, вазирлар, жамоат ва давлат арбоблари билан талаба ёшларнинг анжумани бўлиб ўтди. Унинг мавзуи Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларини барча ўқув юртларида дарслик сифатида ўрганилиши ҳақида борди.**

Сўзга чиққан Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умрзоқов, Ўзбекистон олий ва ўрта таълим вазири Оқил Салимов, Тошкент техника университети профессори Абдусаттор Қодиров, ижтимоий таъминот ва ҳуқуқ техникуми директори Меҳмонали Ниёзов ва бошқалар ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталдилар.

Бу китобларда қаламга олинган барча ислоҳотлар инсоннинг камолотига, ижодий ва маънавий имкониятларини юзага чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишга бағишланганлиги талаба ёшларга алоҳида уқтирилди.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ● ЯНГИ НАШР

# «НАФОСАТ»НИНГ НАФИС НАФАСИ

Бу йилги баҳор Қашқадарё хотин-қизларига ўзгача чирой ва тароват бахш этди. Март ойининг илк кунлари хонадонларга вилоят хотин-қизларининг газетаси «Нафосат» кириб борди. Ойида икки марта чиқадиган бу газетанинг илк сонидан вилоят ҳокими Темир Хидировнинг воҳа хотин-қизларига байрам табриги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шодия Мансурованинг «Ўзлигини англамоқ — буюк бахт» мақоласи ўрин олди. Шунингдек, адиба Шарофат Ашурованинг Наврўз айёми ҳақидаги «Соғинч» бадиҳаси, Жалол Яхшибоевнинг Нишон тумани «Оқ олтин» жамоа ширкат хўжалиги хотин-қизлар кенгаши раисаси Любовь Михайловна Алёхинага бағишланган «Ўзбегойим деб ёзинг» очерки, Зебо Омонованинг турмуш ўртоғи, марҳум шоир Чори Авазга аталган мунгли шеърлари, Сайёра Зоироваинг ёзувчи, умри ёш хазон бўлган Хосият Лутфуллаева хотирасига доир «Сиз юксаксиз ёки сурат билан суҳбат» мақоласи эълон қилинган.

**Довуд МАДИЕВ.**

# ДИЛДАН СУҲБАТ

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Ғайратий номли маҳаллада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ғайратий хотирасига бағишланган қизиқарли кеча бўлиб ўтди.**

Маҳалла ва ХДП бошланғич ташкилоти фаоллари ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирга Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши мафкура бўлими мудири Нуршод Ғиёсов, жамоатчилик вакиллари, шоирнинг оила аъзолари, ёру-биродарлари ташриф буюришди.

Ғайратий хотирасини ёд этиб бу ерга келганлар домланинг ёрқин сиймоси, ажойиб инсоний фазилатлари, ҳаёти ва фаолияти давомида яратган қимматли асарлари шоир шеърларидан намуналар ўқишди.

Ғайратий домла хотирасига бағишланган учрашув сўнгида Тошкент шаҳар партия кенгаши бўлим мудири Н. Ғиёсов мазкур маҳалладан Ўзбекистон ХДП сафига қўшилган етти кишига партия билетларини топширди.

**О. НАЗАРОВ.**

**Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги «Меҳнат» корхонаси жамоаси бозор талабларини сеза билишини кўрсатди. Бир неча йил муқаддам полиэтилендан турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ижара кооперативи сифатида ташкил этилган мазкур корхона айрим ишлаб чиқариш участкаларини кенг истеъмол буюмлари тайёрлашга қайта ихтисослаштирди.**

**Янгийўлга асосан Россиядан келадиган хом ашёни етказиб беришда узилишлар рўй берганлиги сабабли шундай йўл тутилди. Корхона раҳбарлари юқори савдо ташкилотларининг ёрдамида тикув ва тўқув цехлари учун ускуналар сотиб олишди.**

**Кооператив ишчилар томонидан хусусийлаштирилиб, жамоа корхонасига айлантирилганлиги ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун янги истиқболни яратди.**

**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтирган «Меҳнат» пойтахт вилояти хўжаликларида илгаригидек эҳтиёж катта бўлган асосий маҳсулотларни тайёрлашни тўхтатмади. Булар полиэтилен плёнкалар, турли хил диаметрдаги қувурлар, сабзавот ва мевалар учун қоплар, озуқа экинлари учун қопламалардир. Уларни полимер чиқиндилардан тайёрлашади. Янгийўлликлар Россия, Беларусь ва Қозоғистондаги шериклари билан алоқаларни кенгайтиришмоқда.**

**СУРАТДА: Аёлларнинг устки кийимларини тикиш цехида.**

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ,**
**(ЎзА) олган сурат.**

## • Карвон йўлларидаги ўйлар

# ТАРИХ СИНОВИДАН ЎТГАН ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ

**ЎЗБЕКИСТОН, Қозоғистон ва Қирғизистонаро тузилган битимлар асосида кўп асрлар давомида шаклланган, лекин совет даврида издан чиққан ягона иқтисодий тизим ва эркин савдо-сотиқнинг тикланиши зўр мамнуният билан қарши олинди. Президентимиз Ислом Каримов ягона иқтисодий тизимнинг аҳамияти ва порлоқ келажаги ҳақида сўз юритиб, ўзбекларнинг моҳир ишбилармонлар ва савдогарлар сифатида шуҳрат қозониб келганликларини уқтириб ўтди. Дарҳақиқат, Туркистон ўлкасининг савдо аҳли ўзларининг уддабуронликлари, ҳалолликлари, инсофлиликлари ва бошқа қатор олий фазилатлари билан чет эл мамлакатларининг ишонч ва ҳурматига сазовор бўлганлар. Улар мавжуд ягона иқтисодий тизим, эркин савдо ҳамда карвон йўлларига жон киритувчи кишилар сифатида қадрланганлар.**

Ягона иқтисодий тизим ва эркин савдонинг самаралли бўлиши кўп жиҳатдан карвон йўлларининг ҳолатига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам ўзбек давлат арбоблари бу масалага алоҳида эътибор бериб келганлар. Масалан, Амир Темур ўз «Тузуклари»да шундай ёзадилар: «Буюрдимки, йўллар устига кузатувчилар, бошқарувчилар тайинлансинлар, йўлларни қўриқлаб ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, молмулки ва бошқа нарсаларни манзилдан-манзилга ўтказиб қўйсинлар. Йўллар устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлсин». Иқтисодий-савдо муносабатларида муҳим ўрин эгаллаган карвон йўлларига бундай муносабат орқасида бутун Туркистон ўлкасида мўл-кўлчилик ва фаровонлик ҳукм суриб, бозорлар ва маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг турли маҳсулотларини учратиш мумкин эди. Бунга ягона иқтисодий тизимнинг мустаҳкамланиши, ички ва ташқи савдонинг бир-бирига монанд ривожланиши ва унинг давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши сабаб бўлган, албатта. Бундай сиёсатнинг мевасини салтанат пойтахти Самарқанд мисолида кўриш мумкин. Чунончи, Амир Темур ҳузурига келган испаниялик элчи Руи Гонсалес Клавихо ўз кўрганлари ҳақида шундай ёзади: «Самарқанд шаҳри боғу равонлар ва узумзорлар билан қопланган. Булар шу даражада кўркам ва кўпки, бамисоли баланд дарахтли ўрмонга киргандай бўласан, киши. Сунъий суғориш, полизчилик ва пахтачилик ривожланган, қовун ва пахта сероб, шаҳарга туяларда шу даражада кўп қовунлар келтириладики, шунча нарсаларни харид ва истеъмол қилиниши кишини ҳайратга солади. Қовунлар эса қоятда ширин-диндир. Бу ўлка нон, гўшт, паррандалар ва ноз-неъматларга жуда бой. Қўйлари йирик ва думбали бўлиб нархи жуда ҳам арзондир. Гуруч ҳам беҳисоб кўп. Нон шунчалик арзонки ундан арзон бўлиши мумкин эмас. Бу замин нафақат озиқ-овқатларнинг сероблиги билан, балки ажойиб газмоллар, жумладан атлас матосини кўп миқдорда ишлаб чиқариш билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек, заргарлик, мўйначилик, ширинликлар ва бошқа моллар ишлаб чиқариш тараққий топган». Элчи хорижий мамлакатлардан бу ерга турли-туман моллар келтирилиши ҳақида ҳам гувоҳлик берган.

ТЕМУРИЙЛАРДАН сўнг XVI—XIX асрнинг 60-йиллари давомида Туркистон ўлкаси Бухоро, Хива, Қўқон хонликларидан иборат уч қисмга бўлиниб сиёсий тарқоқлик ҳукм сурган бўлсада, лекин ягона иқтисодий тизим сақланиб, карвонлар ўлканинг у бошидан-бу бошига тинимсиз ва бемалол қатнаб турганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, карвонларда ўша юртнинг ўзига хос миллий анъаналари, турмуш тарзи ва умуман, маданий хусусиятлари ўз ифодасини топган. Бу ҳолат моддий ва маънавий соҳалардаги ютуқларни ўзаро алмашиш ва бойитиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатган. Хуллас, ягона иқтисодий-савдо тизимини таъминлашда карвон йўлларининг тутган ўрни беқиёс катта бўлган.

Амир Темур ўлкадаги ўтроқ аҳолининг ҳаёти билан кўчманчи қабилалар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида атрофи беповён даштлар билан қамраб олинган Туркистон шаҳри мавқеини кўтаришга алоҳида эътибор берди.

XVI—XIX асрнинг 60-йиллари давомида ҳозирги Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларида жойлашган қатор шаҳарларо савдо-сотиқ муносабатлари тинимсиз ривожланиб борган. Чунончи, Қозоғистон билан иқтисодий-савдо алоқаларида Тошкент, Қўқон, Наманган, Бухоро, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиё-Ота (Жамбул), Оқ-Масжид (Қизил Ўрда) сингари шаҳарлар етакчилик қилганлар. Шунингдек, ўзбек савдогарлари Петропавловск, Семипалатинск, Усткаменогорск, Троицк, Оренбург ва Ямишевда савдо билан шуғулланганлар. Қозоғистон шаҳар ва овулларида ўзбекларнинг юзлаб дўконлари бўлган.

Қозоғистон билан муносабатларда айниқса, Тошкент катта мавқе тутган. Ҳатто шаҳардаги бозорда алоҳида «Қозоқ растаси» бўлиб, ундаги 100 та дўконда қозоқлар дидига, талабига мос тушадиган газмоллар, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари билан савдо қилинган. Ўзбек савдогарлари тадбиркорлик қилиб тўғридан-тўғри Қозоғистон шаҳарларига кўчиб бориб ўрнашганлар. Масалан, Семипалатинск, Петропавловск каби шаҳарларда 1500 нафардан ортиқ ўзбек савдогарлари истиқомат қилганликлари манбалардан маълум. Тошкентнинг ўзида эса қозоқлар билан иш юритувчи йирик савдогарларнинг сони 400 кишини ташкил қилган. Тошкентдан Қозоғистон томонга ҳар йили 40-50 минг туядан иборат карвонлар қатнаб турган. Бухоро ва Фарғона водийсидан борувчи карвонларни ҳам қўшиб ҳисобланса, савдо карвонлари сони янада ошади. Масалан, ўзбек, қозоқ ва руслараро савдонинг йирик маркази Оренбургга Бухородан мол олиб борилган. Умумлаштирганда эса, ўша йиллари Бухоро орқали олиб борилган икки томонлама савдо алоқаларида 30 минг туядан иборат карвонлар қатнаб турган. Қозоқлар билан Хива хонлигининг Урганч, Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Шовот, Қўнғирот, Хўжайли каби шаҳарлари ҳам савдо алоқаларини олиб борганлар. Умуман олганда, ўзбек савдо-ҳунарманд аҳли қозоқларнинг 250 минг хўжалигини хилма-хил моллар билан таъминлаб турганлиги маълум. Ҳар бир хўжалик тўрт кишидан, деб, фанинг ҳукм суриши мўл-кўлчиликни юзага келтирган. Шу сабабдан ҳам Тошкентда арзимаган маблағ билан бемалол яшаш мумкин эди.

ЎЗБЕКЛАР БИЛАН ҚИРҒИЗЛАРАРО ягона иқтисодий муносабатлар тизими ҳам кўп асрли тарихга эга. Бунда айниқса, Фарғона водийсининг ўрни алоҳида бўлган. Ўзбеклар истиқомат қиладиган Ўш, Ўзган, Жалолобод ва бошқа жойлар савдо-ҳунармандчиликнинг марказлари ҳисобланиб, қирғизлар билан алоқаларда муҳим аҳамият касб этган. Ўзбек савдогарлари Андижон, Наманган, Марғилон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардан ип ва ипак газламалар, кийимбош, озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа маҳсулотларни олиб қирғизлар яшовчи барча ерларга бориб Чонолой, Гулжа, Мурдош, Куртка, Тошқўрғон, Жумгау, Сўфиқўрғон каби истеҳкомлари қурилган эди. Бу жойлар карвон қатновига, хавфсизликнинг таъминланиши эса, савдо алоқаларининг ўсишига замин яратган. Юқоридаги жойларда ўзбек ва қирғиз моллари билан кенг савдо қилинарди.

Қирғизлар қўй-қўзи, отулов, жун ,полос каби моллари хонликлар шаҳарларига келтириб, бу ерлардан маҳаллий маҳсулотларни харид қилиб кетардилар. Икки томонлама савдо муносабатларининг ўсиши орқасида Пишпек, Тўқмоқ каби жойлар савдо марказларига айланди.

Умуман олганда, ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, қирғизлар, туркманлар ўзаро фаол савдо муносабатларидаги барча қийинчиликларни мардонавор енгган ҳолда бир ватан фарзандларидек ҳамкорлик қилганлар.

Бизнинг давримизга келиб эски карвон йўлларидаги табиий қийинчиликлар бартараф бўлиб, равон асфальт йўллар, темир йўл, автотрассалар, ҳаво йўллари юзага келди. Асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган ана шу ишбилармонлик ва савдогарчилик маҳорати совет даврида катта зарбага учради ва бугун биз бунинг салбий оқибатларини кўриб турибмиз. Шу боис замондошларимиз отаболаларимизга ўхшаб инсофли, сабр-тоқатли, ҳалол ва қийинчиликларга бардош бера оладиган бўлсалар, минтақадаги ягона иқтисодий тизим тез вақт ичида шунчалар самара берадики, ундан ҳамма наф кўради.

**Хулоса шуки, эндиликда тарих синовидан ўтган ягона иқтисодий тизим эркин савдога кенг йўл очиб бермоқда. Корхоналар, деҳқон хўжаликлари ташқи бозорни эгаллаш учун ўз маҳсулотлари сифати ва ҳажмини оширишга қаттиқ бел боғладилар. Айни вақтда иш жойларида ташаббускорлик, манфаатдорлик ва ишбилармонлик кенгайиб, илм-техника ютуқларини ўзлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва даромадни ошириш асосий вазифага айланиб борянти. Аниқ бозорга эга бўлиш ишлаб-чиқаришни ҳар хил кўнгилсизлик хавфидан сақлайди. Пировардида мўл-кўлчилик ва фаровонликка эришилиб, совет давлатидан орттирилган бировга қарамлик ва қашшоқликдан тўла ҳоли бўлинади. Бу ўз ўрнида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва минтақанинг бошқа халқлараро ҳамкорлик, бирдамлик ва дўстликнинг янада мустаҳкамланишига олиб келади, бир ўлка фарзандлари каби яшаш ҳисси ортади. Демак, республикалар раҳбарлари, жумладан, юртбошимиз Ислом Каримов, ягона иқтисодий макон ҳақида битимга имзо чекиб, катта сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бир муҳим масалани ҳал этишга эришдилар. Бу мустақиллигимиз, жаҳон даврасидаги мавқеимизни таъминловчи омиллардан биридир.**

**Ҳамид ЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор.**

## янгиликлар воқеалар хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

### ЭР-ХОТИН ТЕЙЛОРЛАРНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

**БИШКЕК. Американинг Хьюстон шаҳридаги геология профессори Рональд Тейлор ва унинг рафиқаси — тиббиёт ҳамшираси Лонда Қирғизистонда ишлаш шартномасини яна узайтиришди.**

Америкалик пенсионерлар Ўшда икки йил ишлаб ўзлари ҳақида яхши таассурот қолдиришди. Ўш университети ректоратининг шарофати туфайли америкалик эр-хотин Қирғизистонга иккинчи марта келиш шарафига муяссар бўлишди. Тейлорлар худди ана шу олий ўқув юрти билан беш йил муддатда ишлашга шартнома тузишган. Ўшликлар Рональдни янги лавозим — роман-герман филологияси факультетида инглиз тили ўқитувчиси касбига тайинланганлиги билан табриклашмоқда. Лонда эса бундан буён университет профилакторийсида меҳнат қилади. Бу аёл шифо масканига қуруқ келгани йўқ. Студентлар медицина пунктининг жавонлари Тейлорлар Америкадан олиб келган жуда кўп дори-дармонлар ва америкаликлар қирғизистонликларга совға этиб юборган табобат ашёлари билан янада бойиди.

### ҚИРҒИЗЛАР АНҚАРА УНИВЕРСИТЕТИГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

**БИШКЕК. Қирғиз ёшларидан 50 йигит ва қиз Туркиянинг пойтахти Анқарадаги университетга йўл олишди.**

Ёшлар у ерда турк тилини ўрганишади ва диний билимлар юзасидан бошланғич таълим олишади. Улар сентябрь ойида Ўшга қайтиб келадилар ва давлат дорилфунунида таълимни давом этдиришади. Бу ёшлар Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган теология факультетининг талабалари бўлиб, бу факультетни Туркиядаги бир неча диний ташкилотлар маблағ билан таъминламоқда. Теология факультетидаги ўқишлар икки тилда олиб борилиши мўлжалланмоқда. Машғулотларда қирғиз ўқитувчилари билан бирга турк муаллимлари ҳам қатнашадилар. Машғулотларда мажбурий фанлардан ташқари Қуръонни ўрганиш ҳам олиб борилади. Ёш теологлар фалсафа, иқтисодиёт асослари, биология ва бошқа фанларни ҳам ўрганадилар. Теофакда фақат диний мутахассислардан ташқари олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳам тайёрланади.

### ХАЛҚАРО БАНК ТУРКМАНИСТОННИНГ ИНВЕСТОРЛАР ТОПИШИДА ЁРДАМЛАШАДИ

**АШГАБАТ. Бу ерда маълум бўлишича Туркманистон ҳукумати ва Жаҳон реконструкция ва тараққиёт банки ўртасида олдиндан келишиб олинганига биноан 1994 йилнинг 1 июнида Парижда халқаро конференция ўтказилади.**

Бу анжуманнинг ўз олдига қўйган мақсади Туркманистоннинг нефть ва газ комплексига қудратли сармоядорларни жалб этишдан иборат. Ана шу конференцияга тайёргарлик кўриш ишлари билан хусусий секторни тараққий эттириш ва манбаларни жалб этиш секторининг раҳбари В. Б. Гасан эль-Рифаи тиғиз шуғулланмоқда. Конференция қатнашчилари бир кун ичида Туркманистоннинг нефть ва газ сектори тузилишининг техникавий хусусиятлари ва мамлакат ҳудудида жорий этилган хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонун билан таништирилади. Мутахассислик доираларида кутилаётганидек, анжуман ташкилотчилари ер ости бойликларини қазиб чиқариш ва хом ашё манбаларини ишлаб чиқишга, ҳамда янги қувурлар қурилишига алоҳида эътибор беришмоқчи.

### ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ

**ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси янги конституциясининг лойиҳаси эълон қилинди. Лойиҳа муҳокамаси 15 июнга қадар давом этади.**

Конституция лойиҳасига кўра, миллий мажлис республиканинг қонун чиқарувчи олий органидир. Мамлакат президенти эса давлат ва ижроия ҳокимияти бошлиғидир. Президент умумий ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади.

### ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

**ДУШАНБЕ. Республика Олий Кенгаши Раёсати буюк олим, файласуф ва шифокор Абу Али Ибн Сино туғилган кун — 18 августни шифокорлар байрами сифатида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек, 15 май халқаро Оила куни этиб белгиланди.**

### АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

**ХЎЖАНД. Ленинобод вилоятининг Панжикент шаҳридаги «Спитамен» ҳиссадорлик жамияти тез кунлар ичида қишлоқ хўжалиги учун махсус «ЖПИД-4» автомобилларини ишлаб чиқара бошлайди. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши яқинда шу ҳақда қарор қабул қилди.**

Шунингдек, Вазирлар Кенгашида Хўжанд шаҳрида Тожикистон — Британия — Америка қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги фармонга ҳам имзо чекилди. Мазкур корхона ип йигирув ва тўқув мажмуаларидан иборат бўлади.

### ЯНГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҲАРАКАТИ

**ДУШАНБЕ. Тожикистонда янги жамоатчилик ҳаракати — Тараққийпарвар кучлар иттифоқи тузилди. Яқинда шу ҳаракатнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди ва унда тожик халқига мурожаатнома қабул қилинди.**

«Мамлакатимиздаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, бозор иқтисоди муносабатларини қарор топтириш ҳуқуқий ва дунёвий давлат қуриш йўлида барча тараққийпарвар кучларни бирлашишга чақирамиз», дейилади мурожаатномада.

**(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).**

## янгиликлар воқеалар хабарлар

**«ДАВЛАТ БОЛАЛАРИ» — БУХОРО САҲНАСИДА**

**С. Айний номидаги Бухоро вилоят давлат мусиқали драма ва комедия театри жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ўз «араваси»ни ўзи тортаяпти. Бонси шундаки, изланувчан бу жамоа янги асарларни усталик билан саҳнага олиб чиқиб, мухлисларни қувонтираяпти.**

Яқинда театр саҳнасида Р. Муҳаммаджоновнинг «Давлат болалари» асари намойиш этилди. Спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Файзулла Абдуллаев саҳналаштирди.

Танқидчиларнинг таъбири билан айтганда, янги спектакл вилоят театри жамоасининг сўнгги ютуқларидан бири.

**Д. БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*• Эшитмадим, деманглар!*

# МИЛЛИОНЕР БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАНЛОВИДА ҚАТНАШИНГ**

**«Ўзбекистон овози» газетаси таҳрир ҳайъати ижодий кучларнинг фаоллигини ошириш, газета саҳифаларида эътиборли ва қизиқарли материаллар кенг ўрин бериш, матбуот сўзининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида**

## *ИЖОДИЙ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги ҳомийлигида ташқил этилган бу танловда журналистиканинг ҳар қандай жанри ва мавзуидаги асарлар билан қатнашиш мумкин. Асосий шарт: танловга тақдим этилган асарлар кенг жамоатчилик эътиборини қозониши, уларда замондошларимизнинг бугунги ўй-фикрлари юксак маҳорат билан ифодаланиши зарур.

Ғолибларга қуйидаги мукофотлар берилиши кўзда тутилган.

**Биринчи ўрин учун — 5 миллион сўм-купон.**
**Иккинчи ўрин учун — 3 миллион сўм-купон.**
**Учинчи ўрин учун — 2 миллион сўм-купон.**

Танлов шу йил 27 июнда — Ўзбекистон миллий матбуот кунида якунланади.

Ижодий мусобақага шошилинг, ҳурматли қаламкашлар!


# ЖАРЧИНОМА

Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ, ТИФ Миллий банки, ТИАВнинг "Экспомарказ" РКСМ, "ЦМИ" инновация фирмаси, "Central Asia-XXI" АЖ

**ЗАМОНАВИЙ БИЗНЕС УЧУН ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

*"CENTRAL ASIA - BANK & OFFICE '94"* ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИНИ

*10-15 майда* ЭКСПОМАРКАЗда (собиқ ХХЮК)

НАМОЙИШ ЭТАДИЛАР
- банк фаолиятларини автоматлаштириш
- бизнесни ташкил этиш ва бошқариш воситалари
- ташкилий техника ва алоқа воситалари
- офис учун ускунлар ва мебеллар

ИШТИРОКЧИЛАР:
Rank Xerox, Lotus, Valentini, Москва Sparc-технологиялар маркази, ComputerLand, MCS ICL, RISO, Нурон, Технезис Инфо, Нихол, ВаДиМ, ФАВН, Ўзагроинформ, Ўзинформтранссистема

Кўргазма маъмурияти: Ўзбекистон, 700077, г. Тошкент, Буюк Ипак Йўли, 71/11, ЦМИ
Алоқа телефонлари: 68-88-47, 68-83-64, 68-22-20; факс: 68-75-98, 67-64-77

ҲОМИЙЛАР

ICE журналы "Мир ПК" "Сети"

Nihol НИХОЛ РЕСПУБЛИКАНСКИЙ НАУЧНЫЙ ЦЕНТР

"ЎЗКСЕРОКС" ҚК


*• Эзгулик*

# ОТАХОНЛАР ОРОМГОҲИ

**Бугунги кунга келиб кексалар учун қилинаётган эзгуликларнинг ўлчови беҳисоб. Улар ўзларига кўрсатилаётган эътибор, меҳр-муруввати сира ҳам унутмайдилар. Виждони пок, қўли очиқ кишиларни доимо дуо қилишади.**

**Ғалаба байрами куни пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Қорақамиш-2/1» мавзесида «Отахонлар оромгоҳи» деб аталмиш чойхона ана шундай пиру бадавлат кексаларга ўз бағрини очди. «Ширинхўр» деб номланган кафе ҳудудида қўшимча равишда 8 сотих ерда чойхона қурилди. Мавзе аҳолисига, кекса, фахрий отахонларга қулайлик яратиш мақсадида ушбу маскан бунёд этилди. «Отахонлар оромгоҳида» бир йўла 150-200 нафар киши бир пиёла чой устида гурунг қилишлари мумкин. Чойхонада шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мева-сабзавот, гўшт, музқаймоқ ва яхна ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар, новвойхона аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. «Отахонлар оромгоҳи» ҳовлисида мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, қатор ободончилик ишлари ҳам амалга оширилди. Бунда «Зарина» хусусий фирмасининг раҳбари Маъруфжон Усмоновнинг хизмати катта.**

**«Отахонлар оромгоҳи»нинг очилиши муносабати билан дошқозонларда ош дамланиб, маҳалла аҳлига палов тортилгани, санъаткорлар йиғилганларни куй ва қўшиқлар билан ҳушнуд этишгани кўпчиликда миннатдорлик туйғуларини уйғотди. Бу эзгулик юзлаб кишилар қалбида ўчмас из қолдирди.**

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Шифокор — халоскор демакдир. Бу таъриф 1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши уруш дамларида алоҳида маънода янгради. Ярадор жангчиларни ўт-олов ичидан судраб чиққан ҳамшираларнинг ўша пайтдаги жасорати қанчадан-қанча одамларга ҳаёт бахш этди. Айни пайтда тиббиёт соҳасига эндигина қадам қўйган йигитлар қўлларига қурол олиб, душманга қарши отланишди. Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги тиббиёт тизимидаги фахрийлар ғамхўрлик қуршовида.

— Улар ниҳоятда табаррук кишилар,— дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, республика халқ депутати Қулаҳмад Ризаев.— Фахрийларимиз тўплаган ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасини ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам Ғалаба куни арафасида Собир Раҳимов туманидаги «Оталар чойхонаси»да тиббиёт жабҳасидаги фахрийлар тўпланишганда Абу Али ибн Сино номидаги 1-шифохона ҳузуридаги коллеж қизлари баҳор гулларини тутқазишди. Фахрийлар учун дастурхон тузашди, учрашувда Нуриддин Ҳамроқулов, Нуриддин Ҳайдаров, Олимжон Орифжонов, Ҳожибой Тожибоев, Абдушоир Салимов каби истеъдодли санъаткорлар чиқиш қилдилар.

**СУРАТДА: фахрийларни қутлаш пайти.**

**Анатолий КУДРЯШОВ олган сурат.**

# • ҚУТЛОВ •

Ҳурматли ва қадрдон отажонимиз Исмат Санаевни 52 ёшга тўлишлари ҳамда меҳрибон онажонимиз Ҳабиба Санаевани 47 баҳорни қарши олганликлари билан чин юракдан муборакбод этамиз.

Сизларга Оллоҳдан узоқ умр, туганмас соғлиқ тилаймиз. Бахтимизга доим соғ-саломат бўлинг.

Фарзандларингиз: **Анваржон, Олмахон, Лайлохон, Сурайёхон, Санжаржон, Жавлонжон ҳамда набирангиз Асалхон.**


**ТОШКЕНТДАГИ ЎЗБЕК-ТУРК ОНАДУЛУ МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИЗМ ЛИЦЕЙИ**

**танлов асосида қуйидаги мутахассислик бўйича**

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— маъмурий ходим;
— сервис хизмати, официантлик;
— туризмда овқатланишни ташкил этиш ва тайёрлаш;
— туризмни ташкил қилиш (турператор)

Иккинчи йил ўқишни тугатгандан сўнг ўқувчилар стажировкага Туркияга юборилади.

9-синфни яхши баҳоларга битирган, ёши 16 дан ошмаган йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Аризалар 1 июлдан 10-августгача қабул қилинади.

17-августдан тест синовлари бошланади.

**МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси Аҳмад Дониш кўчасидаги ҳунар-техника мактаби, телефон: 24-87-29.**


*• Спорт*

**Шаҳрисабзнинг бош майдонидаги муҳташам бино мамлакатимиз шахматчилари билан гавжумлашди. Уч ҳафта Қашқадарё шатранж аҳлининг чинакам байрамига айланди. Энг муҳими, икки ёш шахматчимиз спорт усталари сафига қўшилди. Самарқандлик Шуҳрат Сафин билан тошкентлик Рустам Қосимжонов эса халқаро шахмат устаси, деган юксак унвон олиш учун белгиланган талабни уддалади. Бунақаси биринчи бор бўлиши.**

# ФИЛ СУРИБ, ОТ ЎЙНАТИБ

Ўзбекистон 59-чемпионати олий лига турнирининг Қашқадарёда ўтиши хусусидаги ташаббусга қўшилиб, чакки қилмаган эканмиз. Олдинги шундай мусобақаларнинг бирортаси ҳам на спорт натижалари ва на ташкилий жиҳатдан буниси билан асло тенглаша олмайди.

Мусобақа иштирокчилари ва юзлаб шатранж ишқибозлари карнай-сурнай садолари остида шаҳарнинг бош майдонидан баҳсхонага таклиф қилиндилар. Ташкилий қўмита раиси, Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Қўчқор Тўйчиев мусобақани очиб, республика байроғини кўтариш учун Ўзбекистон чемпиони Сайдали Йўлдошев билан вилоят чемпиони Раҳим Ражабовни таклиф қилди. Сўнгра табрик сўзлари айтилиб, қатнашчилар орасида қуръа ташланди...

Шахмат тахталари узра олиб борилган қизғин баҳслар хусусидаги фикрларга ўтишдан олдин воҳа бўйлаб давом этган ўзига хос ва эсда қоларли шахмат тантаналаридан ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, бу воқеалар республикамизнинг бошқа ҳудудлари учун ҳам ибрат бўлса ажабмас. Мусобақа иштирокчилари ва мутасаддилар Косон туманнинг «Гувалак» қишлоғига йўл олдилар. Бизни ўқувчилар илиқ кутиб олишди. Меҳнат фахрийси Яхшибой ака Дўсанов шахмат ва шахматчилар хусусида шундай чиройли сўзларни айтдики, ишқибозлар мамнун бўлишди. Кейин меҳнат қаҳрамони Холёр Даминов номли мактабга таклиф қилишди. Бир ёқда шатранж хусусида суҳбатлар, бир ёқда машҳур спорт усталари билан ҳаваскорлар учрашуви, кўп тахтада бир йўла ўйинлар ва бошқа тадбирлар. Бир муддат жимлик чўкди. Фақат шахмат соатларининг чиқиллаши эшитилади, холос. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қарши, Чирчиқ, Бухоро шаҳарларидан келган усталар билан шу ерлик ҳаваскорлар иштирокида тезкор ўйин бўйича мафтункор жанглар бошланиб кетган эди. Атиги беш дақиқа орасида ўйинни муваффақиятли тугаллаш учун ўзига хос қобилият даркор. Ора-чора таниқли шахматчиларимизни доғда қолдирган ҳаваскорлар ҳам топилиб турди. Шуниси ҳаммага ёқиб тушди. 5 соатлик тантаналардан сўнг мусобақа ғолибларига шу қишлоқ ширкати жамоаси таъсис этган совринлар эгаларига топширилди. Машҳур шоиримиз Абдулла Орипов таваллуд топган бу заминда таниқли шахматчилар ҳам етишиб чиқса, ажабмас.

Чемпионатнинг яна 5 тури ўйналгач, иштирокчилар Китоб шаҳрига ташриф буюришди. Шу куни истироҳат боғи шатранжбозлар хиёбонига айланди. Ўтказилган турли-туман тадбирлар барчага манзур тушди. Унда ўзини кўрсата олган иштирокчиларга соврин ва эсдалик совғалари инъом этилди. Айниқса, шу ерлик кулоллар ясаган шахмат доналари рамзи туширилган кўза ва бошқа буюмлар ёдгорлик сифатида қабул қилинди.

Турнир иштирокчилари орасида 5 нафар халқаро шахмат устаси ва 8 нафар шахмат устаси борлиги, шунингдек, уларнинг рейтинг—даражалари анчагина юксаклиги халқаро шахмат устаси унвонини олиш учун талаблар мезонини белгилаш имконини берди. Уч нафар шахматчи эса миллий спорт устаси номи учун курашишга муяссар бўлди. Бинобарин, чемпионатнинг иккинчи ярми муросасозликка ўрин қолдирмади. Пешқадамлик мавқеи гоҳ у, гоҳ бу иштирокчига насиб этиб турди. Шундай бўлса-да, чирчиқлик халқаро шахмат устаси, жаҳон шахмат олимпиадасининг кумуш совриндори, 1986 йилги республика чемпиони Михаил Салтаев баҳсларни бир текисда муваффақиятли ўтказди. 15 имкониятдан 11 очко жамғарган 32 ёшли бу шахматчи яна чемпионлик супасига кўтарилди. Ундан атиги ярим очко ортда қолган самарқандлик ёш спорт устаси Шуҳрат Сафин иккинчи бўлди ва халқаро шахмат устаси унвонини олиш учун белгиланган талабни адо этди. 9,5 очко тўплаган тошкентлик 14 ёшли мактаб ўқувчиси Рустам Қосимжоновнинг 3-ўринга кўтарилиши, халқаро шахмат устаси талабларини бажарганлиги кутилмаган, аммо ёқимли ва айни муддао бўлди.

Аслини олсак, чемпионатда ютқизганлар бўлмади. Мусобақанинг тантанали ёпилиши куни иштирокчиларнинг шаънига илиқ сўзлар айтилди. Дастлабки уч ғолибга медаллар, Республика спорт қўмитасининг дипломлари, ҳомийлар таъсис этган пул мукофотлари топширилди.

**Мамажон МУҲИТДИНОВ.**

● ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ

# ОЛИБ ҚОЧАРУ ТОРТИШМАЧОҚ

**● ФОРИШ туманидаги Қизилқир сайилгоҳида Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган республика миллий спорт ва халқ ўйинлари биринчи фестивали бўлиб ўтди.**

Фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан командалар иштирок этдилар. Миллий спорт ва халқ ўйинлари мусобақалари тикланаётган қадриятларимиз намойишига айланди. Унда миллий спорт ва халқ ўйинларидан «Қирқ тош», «Олиб қочар», «Отиб қочар», «Тортишмачоқ», «Елкада кураш» каби 9 тури бўйича беллашувлар бўлди.

Фестивал мусобақаларида команда ҳисобида Жиззах вилояти биринчи, Сурхондарё вилояти иккинчи ва наманганликлар учинчи ўринни эгалладилар. Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоалари мусобақаларда фаоллик кўрсатгани алоҳида қайд этилди.

Миллий спорт ва халқ ўйинлари республика фестивали ғолибларига вилоят ҳокими ўринбосари Ш. Чилғашев, ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Г. Субхонова, Фориш тумани ҳокими Э. Қозоқовлар соврин ва эсдалик совғаларини топширдилар.

**Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**


**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА**
**14—15 МАЙ СОАТ 18.00 ДА**

## ҒИЁС БОЙТОЕВ КУЙЛАЙДИ

**лирик қўшиқлар оқшомида:**

МУҲАММАД ЮСУФ,

БОЛТАБОЙ ТОШМЕТОВ

**ва РАҚҚОСАЛАР қатнашади.**

**Чипталар сотилмоқда.**

КАССА СОАТ 10 ДАН ИШЛАЙДИ.



«Латиф» хусусий фирмаси бухгалтер, дастёр (курьер), котиба-машинисткаларни ишга

## ТАКЛИФ ЭТАДИ

**МАНЗИЛГОҲ: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Дадабоева кўчаси 52а-уй.**

**Телефон: 29-71-67.**


# • ҚУТЛОВ

Ҳурматли ва азиз акамиз **Алламурот ОТАМУРОТОВ**, Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, ва бахт-саодат тилаб қоламиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

Укангиз **Дўстмурод ОТАМУРОТОВ ва қариндош-уруғларингиз.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОҲИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

**Тошкент шаҳар 55-ҳунар техника билим юрти педагогик жамоаси ишлаб чиқариш устаси**

**Оқил ИСАХОНОВнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.**

**«Ўздеҳқонсаноатбанки» бошқаруви банкнинг иқтисодиёт, кредит маблағлар, тижорат фаолияти ва қимматбаҳо қоғозлар бошқармасининг бош мутахассиси Ш. И. Бобохўжаевга падари бузруквори**

**Исмоил БОБОХЎЖАЕВнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.**

**Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг ректорати ва касаба уюшмаси жамоаси университетнинг «Социал соҳаларда бухгалтерия ҳисоби» кафедрасининг мудири доцент Аҳрор Азларовга онаси**

**Меҳри БАҲОДИРОВАнинг**

**вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.**


**МУАССИС:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»**

**Бош муҳаррир Азим СУЮН.**

**Таҳрир ҳайъати:** Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

**Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.**
**Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.**
**Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.**
**Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.**
**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.**
**Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.**
**Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.**
**Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.**
**Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.**

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

**Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.**

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85501. топширилди—21.00

**Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, С. САЛИМОВ.**



**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.** 1 2 3 4 5 6.